

Моҳигул ҚОСИМОВА

ҚАЛБИМ БЕЗАГИ

Қарши
Насаф нашриёти
2006


84(55)6-5 ўзб. 2428, 2с2р12,
Шеърлар

Ижод олами-сехрли макон. У илҳом шайдоларини
мудом ўзига оҳанрабодек тортаверади. Моҳигул
Қосимованинг мазкур мажмуасидан ўрин олган
шеърларда болаликнинг беғубор кечинмалари, ота-
онага бўлган қайноқ меҳр, табиат ва фасллар
таровати ўзига хос ранго-ранг тасвирларда
ифодасини топган.

10 32962
09.

К 4702620202-63 63-2006 М. Қосимова, 2006 й.
376(11)2006

ISBN 5-7323-0514-6



ИЛҲОМ ШАЙДОСИ

Инсон учун тенги, баҳоси йўқ бир бойлик борки, бу маънавий баркамолликдир. Албатта, кимгадир кўп, кимгадир озроқ қобилият, иқтидор худо томондан ато этилади. Мана шу эҳсонни камолга етказиш, сайқаллаб чинакам талантга айлантириш ҳар бир қобилият соҳибининг ғайрати, меҳнати, зеҳнига боғлиқ. Қашқадарёнинг узоқ қишлоқларидан бири Қорабоғда туғилиб, ўсиб ижоду илҳомнинг шайдосига айланган Моҳигул Қосимованинг қалб уйғоқлиги таҳсинга лойиқ. Унинг илк машқлари-ю аста-секин балоғат касб эта бошлаган сатрлари менга кўпдан таниш. Болаликнинг беғубор кечинмалари, ота-онанинг қайноқ меҳри, табиат гўзаллиги, ҳар бир фаслнинг ўзига хос таровати ранго-ранг тасвирларда сўз сеҳри билан гавдаланади:

Куз. Олтин барглари аллалар мени,

Шивирлаб қулоққа нималарни дер.

Моҳигул орзулар оламида яшайди. Орзулар қанотида учади. Ҳатто баҳорга мурожаат қилиб "Мени албатта орзудан қидир", - дейди. Моҳигул бир шеърида:

Қалбим талпинишдан чарчамас энди,

Мени тинч қўймайди ички бир нидо, - дейди.

Ҳа, бу қалбга тинчлик бермаган нидо келажак нидоси, ижод нидоси.

Унинг келажакда яхши шоира бўлишига, гўзал асарлар яратишига, ижод оламида ўз ўрнини топишига ишонаман.

**Момохол ЭЛМУРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими.**

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Гарчи истасамда унутолмасам,
Шодлигим барибир қайғу бўлғуси.
Сен томон ошиқсам, лек етолмасам,
Куяр дил шумикан Ватан туйғуси?

Ўзимни бахтиёр кўрмоқ истайман,
Унингсиз тарқамас қалбим қайғуси.
Бу қандай ҳиссиёт экан, билмайман,
Балки, шумикан Ватан туйғуси?

Ёдимдан кетмагай туғилган жойим,
Онамнинг дуоси, синглим кулғуси.
Меҳрибон одамлар мен билан доим,
Мен билан биргадир Ватан туйғуси.

У менинг энг буюк бойлигим эрур,
Ҳам севгим, юпанчим, қалбим ойнаси.
Фахримдир, гурурим, қалбдаги сурур,
Мени инсон этган Ватан туйғуси.

ЭЛИМ

Осмонда бахт қуши парвоз этажак,
Чуғурлаб қалбларга қувонч элтажак,
Бундан-да буюқдир бизнинг келажак,
Элим, сенинг бахтинг ҳурлигингдир бу.

Бағрингда элатлар, миллатлар бисёр,
Тилингдан тушмагай қўшиғ-у, алёр,
Ёшларинг хизматда доимо дасёр,
Элим, сенинг бағри кенглигингдир бу.

Уйқуни билмаган меҳнаткаш сенда,
Дуогўй сендадир, жафокаш сенда,
Илми гўё тоғдай инсон кўп сенда,
Элим, эллар аро тенглигингдир бу.

Майизни қирқ бўлган ўзбек эмасми?
Душманни қақшатган шердек эмасми?
Хашарда қайнаган юз бек эмасми?
Элим, ўзбек деган эллигингдир бу.

Дўстга садоқатни сендан ўргансин,
Меҳру саодатни сендан ўргансин,
Ўзал урф-одатни сендан ўргансин,
Элим, сенинг беғубор дилингдир бу.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Устозлар меҳрини унутолмайман,
Куйлар чалинсада қувноқ ва янғроқ.
Жонажон мактабдан кета олмайман,
Чалинса майлига сўнги қўнғироқ.

Кўзларда қувончнинг ёши балқийди,
Мендан қўнғироқни синглим олмоқда.
Юраклар ҳапқираб ҳамон қалқийди,
Шодликларим мактабимда қолмоқда.

Бағрингдан кетишни истамас юрак,
Кимгадир айрилиқ, кимгадир шодлик.
Жажжи болаларга тилаймиз тилак,
Беғубор дамларим ўзингсан, ёшлик!

Биз ўғил-қизларни сўнги қўнғироқ,
Дўстлардан, устоздан айирса агар.
Бу сўнги қўнғироқ жаранглаб янғроқ,
Жажжи болаларга дўст-ўртоқ топар.

Устозлар ўғитин унутманг сира,
Қалблардан абадий ўчмасин чироқ.
Илм бўстонини тарк этманг сира,
Баралла янграсин сўнги қўнғироқ.

СОГИНДИМ, БАҲОР

Тўрт девор ичида қолганим маҳал,
Баҳор, йўлларингга кўзларим маҳтал,
Умидсиз орзумга берганда ҳалал,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Кувониб қаршилаб қишнинг қорларин,
Ёдимга тушганда дўсту ёрларим,
Кучин йўқотганда номус-орларим,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Юлдузлар осмонга чиқмай қолса гар,
Саболар эссалар, таралса ифор.
Кучоқ очиб кутиб олганда бир бор,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

У олис юртимни кўрмоқ истадим,
Баҳор, суръатингни чизмоқ истадим,
Яшил ўтлоқларда юрмоқ истадим,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Онажон, мен сизни минг бор соғиндим,
Баҳорим, маликам,эй ёр, соғиндим,
Умид-ла яшайман дебон соғиндим,
Ёшлигим соғиндим, баҳор, соғиндим.

Соғинчда ўртанди бу хаста дилим,
Қачон сен томонлар тушаркан йўлим,
Соғинчда ўртанмоқ бу ахир ўлим,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Баҳорим, келақол ўпай изларинг,
Маҳзун тортди бу кун чақноқ кўзларим,
Олис ўлкалардан сени изладим,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Мен албат борарман, ёнингга учиб,
Бу олис йўлларнинг лойларин кечиб,
Онам қувонгайдир қизчасин қучиб,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Кут, албат борарман бағрингга қайтиб,
Борарман бағрингга бўлса ҳам дайдиб,
Сен ёқтирган "дийдор" қўшигин айтиб,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Қуёшнинг юзида табассум кўрдим,
Бойчечак гулидан келишинг сўрдим,
Сочларим майдалаб-майдалаб ўрдим,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

"Айрилиқ" қўшигин куйлагим келди,
Баҳорни соғиниб йиғлагим келди,
Қашқадарё томон бўйлагим келди,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.

Мен-чун қўшиқ куйла, битиб кетгин байт,
Сени кутишмоқда, Қорабоғга қайт,
Она қишлоғимга мендан салом айт,
Мен сени соғиндим, соғиндим баҳор.



ҲАҲУЗ

Асли гўзалликдан мастман ўзим ҳам,
Сабаби нимадир, билмоғим жоиз.
Осмонларда парвоз айлай ростакам,
Қалбимнинг яраси битмаган ҳануз.

Ўшал гўзаллигинг этди маҳлиё,
Баҳорим ўрнини эгаллади кўз.
Баҳор-у кўзинг ҳам бевафо гўё,
Қалбимнинг яраси битмаган ҳануз.

Ўзим ҳам билмайман нега ранжидим,
Сени қилардимку барчага кўз-кўз.
Ё ёлғон эрурми ўшал соғинчим,
Қалбимнинг яраси битмаган ҳануз.

Асли инсон бўлай десанг инсон бўл,
Ўшал бевафосиз, майли, бўл ёлғиз.
Магар кулиб яшай десанг шодон бўл,
Қалбимда яра бор демагил ҳаргиз.

АЗИЗ ОНАЖОН

Дунёда энг азиз инсон ягона,
Қалбимга жо бўлгай гўзал сўзингиз.
Ҳаётим гултожи, гулзорим - она,
Айём билан қўтлар сизни қизингиз.

Қўлингизга бир даста гуллар тутайин,
Дунё шодликларин тўхфа этайин,
Сиз учун энг сара шеърлар битайин,
Фақат сизга атаб, сизга онажон!

Ўзбекнинг Барчин-у, Нодирасисиз,
Вафодор Ширину Тўмариссиз Сиз.
Сиз Ойдин, Зулфия шоирасиз Сиз,
Сиз бу кун баҳорнинг маликасисиз.

Биз билан доимо бирга бўлингиз,
Сизнинг номингизга олқиш, шараф-шон.
Равон бўлсин доим ҳаёт йўлингиз,
Жону жаҳонимсиз, азиз онажон.

БАС ЭНДИ, ҚИЙНАМА...

Мен кўнгил уйининг бир бекасиман,
Сенинг меҳринг ила яшайман холос.
Ҳаёт лаънатлаган ишқ телбасиман,
Не қилай ер қаттиқ, осмон-да олис.

Жажжи қалбгинамни ўртайди соғинч,
Сенинг ёнгинангга ошиқар ҳар дам.
Энди болалигим бўлса-да ўкинч,
Бу митти қалбимга нимадир малҳам.

Сени йўқотдим, бошқани топдим,
Умрнинг баҳори кимгадир миш-миш.
Бағрингдан кетдим, бағрингга шошдим,
Энди ўтган кунлар мен учун ўтмиш.

Бас энди, қийнама, қийнама ўтмиш...

ҚАЛБИМДА...

Табиат келиндек покланди яна,
Қалбларни ёритди ёғаётган қор.
Қувониб, севиниб ўйнар мардона,
Бир менинг қалбимдан кетмади ғубор.

Қушчалар қувониб қутлар бир-бирин,
Чугур-чуғурида истак, тилак бор.
Қўшиқ куйлагандек айтади сирий,
Бир менинг қалбимдан кетмади ғубор.

Машиналар борар бепарвогина,
Бири бошқасига бермас эътибор.
Унутилди бу кун аразу гина,
Бир менинг қалбимдан кетмади ғубор.

Фалакда бир пари болишин қокди,
Бас етар, менга ҳам бахт қушин юбор.
Қўзимдан севинч ёшлари окди,
Вожаб, қалбимдан тарқалди ғубор.

НАЪМАТАК ГУЛИ

Бу кун қояларга бош қўйгим келди,
Аламли дардини тингламоқ учун.
Наъматак гулини бир кўргим келди,
Ойбек изларини изламоқ учун.

Ҳамон чайқалади, ҳали ҳам нафис,
Қуёшга гул тутиб, кутар Ойбегин.
Қанчалар мадҳ этиб, суярди эссиз,
Энди ул наъматак ёлғиздир бугун.

Балким Ойбек унинг вужудидадир,
Балким бизга боқиб турарлар кўкдан.
У куйда, қўшиқда, ўз сўзидадир,
Ойбексиз қоялар, тоғлар ҳам чўккан.

ЁЛҒИЗЛИК ИФОРИ

Ёлғизлик ифори таралди яна,
Қуёш ҳам бекиниб кетган бир маҳал.
Тун сокин. Зулматдир менга бегона,
Лек, ойнинг йўлига кўзларим маҳтал.

Устун қўяр ўзин. Рақс этганича
Қийналган кўнгилга ҳеч бир сўз демас.
Ул ҳам жим турмагай шеър битганича,
Кўнглим сенинг каби тошбағир эмас.

Илғаб ололмайин тақдир ҳукмини,
Балки тан олмагай мағлубиятин.
Сендан бошқа дардим, қайғум йўқмиди,
Йўқмиди, кўрмадим бошқа хислатин.

Тушунишга ожиз унинг қалблари,
Осойишта тунни у этолмас идрок.
Шивирларди секин митти лаблари,
Янграмас энди, овози титроқ.

Ғарибдек ўтирар осмонга боқиб,
Ҳамон ой, ой дея янграр сўзлари.
Ой ҳам қўяр эди кипригин қоқиб,
Ойни кўролмасди энди кўзлари.



ШЕЪРИЯТ

Шеърият ҳаётим, қалбимнинг гули,
Ёқса, ёқмасада тонгнинг ҳавоси.
Шеър менинг қувончим, қалбим булбули,
Доим янграб турар шеърим навоси.

Қувончимга шерик нозли бир ёрсан,
Ғамимга ғамдошсан, ўзинг чин дўстсан.
Таърифнинг чеки йўқ, ёнимда борсан,
Сирдош дугона-ю, дилдаги ўтсан.

Қайғуни айтишга яхши садосан,
Хурликни куйлашга янгроқ овозинг.
Гулзордан гул териб, шеърга гадосан,
Дилларни дилларга етказар созинг.

Шеърдан яралгандир бу қўҳна олам,
Дилдаги куйимсан, қалбдаги нолам.

Дардимни тинглашга шайланди бургут,
Сўнг секин ёмғирга айланди кулиб.
Қалбимни уларга ҳадя айласам,
Ўзлим, қизлим бўлди-я унут.

Осмон оғушида ором олажак,
Қалбимни азоблаб ўтга солажак,
Учиб кетмоққа шайланган маҳал,
Орзу ҳаёлларин айтиб қолажак.

Бир-бирин қутлашиб хурсанд этажак,
Гуллар саломини йиллар элтажак,
Бевафо, дўстини ташлаб кетажак,
У ҳамон кутади. Албат келажак.

Севинч бирла ёнади қалбим,
Сени келар деган умидда.
Айтгил, майли нимадир айбим,
Кутажакман яна умид-ла.

Соғинмоқ- бу айбми ё гуноҳ,
Тушунмассан дилдаги оҳим.
Майли, ортиқ урмагайман оҳ,
Фақат айтгил, недир гуноҳим?

“Тополмасин бизларни биров”,
Самоларга этайлик парвоз.
Бошимизга тушганда қиров,
Шунда ўйлаб кўрармиз бироз.

Бизни дуо қилсинлар ҳаёт,
Етар шунча тақдир зарбаси.
Бу кун кутиб турибмиз нажот,
Олқишлашар балким барчаси.

Олисларга кетажакмиз биз,
Ранжимангиз, илтимос, фақат.
Умидларим сўнганда сассиз,
Далда ила берингиз мадад.



АЗИЗ УСТОЗЛАР

Қалби севингандан тўлиб тошади,
Шогирд-чун баъзида тоғлар ошади.
Доим сўз айтмоққа ақлим шошади,
Онадек меҳрибон устоз бўларкан.

Таърифинг бебаҳо, сиғмагай созга,
На қўшиғу ёки на ишва нозга,
Минг тасанно бўлсин азиз устозга,
Барибир устоздан қарзинг бўларкан,

Ўзаллик тимсоли - азиз устозлар
Бизларга доимо омад тиларкан,
Меҳрибон, дилрабо қалби эъзозлар
Дунёда энг буюк инсон бўларкан.

ҚАЛДИРҒОЧ МИСОЛИ

Қалдирғоч мисоли учинггиз, ёшлар,
Юксакка баландроқ айлангиз парвоз.
Сизларга жўр бўлсин ўзал наволар,
Ҳамиша ёр бўлсин сеҳрли овоз.

Ортада қолди қанча ажойиб дамлар,
Ўё шамол каби елиб, югуриб.
Ортада қолди неча ўзал айёмлар,
Болалик ҳам ўтди, қувноқ жўш уриб.

Тилагим, боболар издоши бўлинг,
Улар меросини суртингиз кўзга.
Доим бўлсин нурафшон ва ёруғ йўлинг,
Олдинга интилмоқ шиордир бизга.

МЕҲР

Куз.Олтин барглари аллалар мени,
Шивирлаб кулоққа нималардир дер.
Бир зумга унутиб ғам-у қайғуни,
Кўп эмас, бир ҳовуч меҳр бер.

Югуриб йилларнинг ортидан чопдим,
Сочимга хазондан тақиб жамалак.
На севги, на шодлик, на меҳр топдим,
Уларга қўшилиб бўлдим кўп ҳалак.

Баҳор гулларини тухфа этар, ол,
Тонгги саболарда ажойиб сеҳр.
Дунё мавжланади, ақлим эса лол,
Фақат менга керак бир этак меҳр.

Баҳор, сени ташлаб кетсалар, агар,
Сен мени албатта орзудан қидир.
Иккимиз учрашиб қолгунга қадар,
Балки толган бўларман меҳр.



ШОДЛИГИМ ОЛДИДА

Шодлигим олдида дунёлар бекор,
Юрагим мавж урар дўстлар сизни деб.
У гўзал дамларни унутмоқ душвор,
Сиз ҳам соғинасиз худди менингдек.

Бир он у дамларга қайтаргин мени,
Нени сўрасангиз этайин фидо.
Қалбим талпинишдан чарчамас энди,
Мени тинч қўймагай ички бир нидо.

Болалик, болалик, эй, гўзал онлар,
Аввал ўйнатасан, йиғлатасан сўнг.
Мусаффо, беғубор, фарахбахш тонглар,
Бир бора сўрадингми не деб орзуинг.

Шодлигим олдида дунёлар бекор...



ЮЛДУЗЛАР

Орзуим алишдим ёлғон ваъдага,
Кўкда туриб севги изҳор этдилар.
Улар-чун бўлибман асли бир эрмак,
Тунда севиб, тонгда ташлаб кетдилар.

Мен ерда, уларчи олисда-кўкда,
Хатто мен томонга тушмади бир бор.
Мен эса уларнинг ҳуснига боқиб,
Севгимни неча бор айладим изҳор.

Уларга боқдим-у, ўзни унутдим,
Тушдами-хушдами, бордим ҳам учиб.
Фақат кўрқиб кетдим тушиб кетишдан,
Барибир юлдузни келдим-ку қучиб.

Куёш ҳам аямоқ истамас бизни,
Ва орзусига эришолди ҳам.
Юлдузлар бир зумда ғойиб бўлибди,
Уларга бу иши қилмагай алам.

Соғиниб, кўкдан узмадим кўзни,
Уларнинг келишин ҳамон кутаман.
Энди биз учрашиб қоламиз тунда,
Хар сафар севгимни изҳор этаман.

Улар телбаларнинг дарду армони,
Қанча юракларга ўтлар солажак.
Мени назарига илишмайди ҳам,
Лекин, албат бир кун севиб қолажак.

Сиз ҳамон биргасиз, мен билан ҳамон,
Майли, сиз эсламанг, майли унутинг.
Соғинч исканжага олганда ёмон,
Мен албат қайтарман, албатта кутинг.

Ишонманг алдамчи ёлғон рўёга,
Орзу оғушида фарқ бўлиб кетинг.
Нима ҳам қилдимки келиб дунёга,
Ваъдамини бевафо ёрларга элтинг.

ЁШЛИГИМ

Ёшлик, умрим баҳорисан,
Гўзал, дилбар наҳорисан.
Завққа тўлган анҳорисан,
Ташлаб кетма, ёшлигим.

Доим менинг ҳамроҳим бўл,
Юракдаги дил оҳим бўл,
Кўзларимнинг нигоҳи бўл,
Ташлаб кетма, ёшлигим.



БУВИЖОНИМ МЕҲРИ

Бувижоним меҳри,
Ҳар нарсадан бўлакча.
Бизга ўргатган зеҳни,
Ўқиш учун йўлакча.
Қилгайлар кўп насиҳат,
Йўлинг бўлсин чароғон.
Ўрган дер: кўп фазилат,
Бўл дер: чевар, билағон.
Борсам бувим ёнига,
Айтиб қизиқ латифа.
Кўмар кулгу конига,
Қувноқлик қилар тухфа.
Бувижонимнинг сўзи,
Йўл топади қалбимга.
Бувимнинг қувноқ кўзи,
Туради кўз олдимда.
Бувижонимнинг меҳри,
Ҳар нарсадан бўлакча.
Бизга ўргатган зеҳни,
Ўқиш учун йўлакча.

МЕНИКИ...

Бугун сизни олқишлар баҳор гуллари,
Митти лабларида табассум, кулгу.
Иккимизни айирмиш тақдир йўллари,
Шодликлар сизгадир, меники қайғу.

Сизгадир матонат, сизгадир қувонч,
Ва кўклам баҳорнинг орзу-ўйлари.
Энг ширин ёлғонга очиб кенг қулоч,
Меники қақраган дунё чўллари.

Сизники дарёлар, сизники тоғлар,
Сизники жилғалар, сизники шабнам.
Ўтинчим фақат дарёларингиз,
Мени бир бағрига олса, етар, бас.

Баҳоримни алишдим хазонларига,
Ёшлигим ҳайдади куз хаёллари.
Мухлис тополмагач ғазалларига,
Менгадир дунёнинг бу ёлғонлари.

Сунбул сочларини тараб ул қуёш,
Мен ҳам сеникиман, дея сўзлагай.
Ахийри тополмай ирода, бардош,
Олис чўққиларни яна кўзлагай.



ҚАЛБИМ БЕЗАГИ

(Қатра)

Қалбим ўртанмоқда, келди букун куз...

Ўша олис хотиралар уйғонди яна...

Барглар шитирлаши олаётгандек ўч...

Йўқ, йўқ менга қўшилиб у ҳам девона,

У ҳам қидирмоқда орзуларини,

Баҳорда йўқотгандик, қидиряпмиз кузда...

Энди ёлғизмасман, иккимиз бирга. Кўзим кулиб турар, йиғлайди қалбим... сезмайди ҳеч ким. Менинг номимдан йиғлайди куз. Шуни ҳам эпллолмас баъзи-баъзида. Кўз ёш тўкиб қўяр фақат номига. Майли ҳеч бўлмаса ёлғиз эмасман. Борку ахир энди сирдош дугонам. Хайрон бўлма..... эй буюк инсон! Беғубор эди авваллари у. Тўкмас эди баргларини ҳам.

Дунё тўзонида адашиб қолдим. Саҳроларда юрардим дайдиб. Олтин эшик чикди олдимдан. Тақиллатдим. Олтин тож тақиб чикди бир пари. Уни лақиллатди, ўзиммас... ҳусним. У беғубор мен эса ғамгин. Мен ахир қидирган эдим баҳорни. Энди эса алишиб ўтирибман кузга. Қаранг, қанчалик бевафо, хоин бир қизман. Бир пасда унутиб қўйдим баҳорни. Нетайин, унинг ўзи ташлаб кетди-ку. Майли чидайман, лекин чидолмасман қайтариб бермаса орзум.

Балки у ҳам адашиб қолган. Балки қидириб юргандир телба дўстини. Фақат бир илтимос орзуйим асрасин. Учиб кетмасин! Жуда нозикда. Ўзимга ишонмай топширувдим унга. Қайтарасан, деганим ҳамон ёдимда. Ахир қайтариб берасан дегандим кўп бор.

Учириб юборибди ойга орзумни у, кўрқиб кетдим. Оймомо бермай қўйса деб. Бир кун тунда юлдузимдан илтимос қилдим. Оймомодан олиб бергин деб. Йўқ, Оймомонинг ўзиники экан у, ё

алдадимикан улар мени-я! Яна бир тунда ўзим ҳам бордим. Оймомодан йўқотганим олиб келишга. Сўраманг, нима бўлди деб. Орзуим йўқ экан ҳатто осмонда... шуни деб озор етказдим ойнинг дилига.

Тухфа қилди оймомо орзусин менга. Барибир, ўзимники яхши эди-да... Кичкина, ҳеч ким кўролмасдиям. Қалбимга сиғарди фақат. Лекин жуда кенг эди қудрати.

Оймомодан олиб турмоқчи бўлдим. Йўқ-йўқ, кейин қайга қўяман, яшираман қайга, қалбимдан бошқа пана жойим йўқ. Қалбимнинг безаги эди орзуим. Эндичи, ҳувиллаб қолди эски кулбадек. Энди кўчиб кирар хазонрезгилар. Қалбимнинг безаги энди хазонлар.

Баҳор туфайли опа-сингил тутиндик олтин куз билан. Ўтирамиз дардлашиб. Барглар шитирлашиб сўзлайди эртақ. Барчаси шунчаки эрмак, барчаси сароб. Сирлашиб, дардлашиб ташлаб кетмаса бўлди. Чидолмасман энди бу айрилиққа. Ҳаётим мазмуни энди хазонлар, қўшиқдек ёқяпти ширин ёлғонлар.

Баҳорим... келақол...! Йўқ-йўқ, қайтмагил сира. Қайтмасам керак энди бағрингга. Орзуимни асрагин, қайтарма менга (жой йўқ қалбимда). Жой ҳам топилмаса керагов унга...

Қалбимнинг безаги энди хазонлар...



МУНДАРИЖА

Илҳом шайдоси.....	3
Ватан туйғуси.....	4
Элим.....	4
Сўнгги кўнғироқ.....	5
Соғиндим баҳор.....	6
Ҳануз.....	8
Азиз онажон.....	8
Бас энди қийнама.....	9
Қалбимда.....	10
Наъматак гули.....	10
Ёлғизлик ифори.....	11
Шеърят.....	12
"Дардимни тинглашга".....	12
"Севинч бирла".....	13
"Тополмасин".....	13
Азиз устозлар.....	14
Қалдирғоч мисоли.....	14
Меҳр.....	15
Шодлигим олдида.....	16
Юлдузлар.....	17
"Сиз ҳамон биргасиз.".....	18
Ёшлигим.....	18
Бувижоним меҳри.....	19
Меники.....	20
Қалбим безаги(Қатра).....	21

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

ҚОСИМОВА МОҲИГУЛ

ҚАЛБИМ БЕЗАГИ

Шеърлар

Муҳаррир: Ш.Пирматова.
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.
Мусахҳиҳ: Ш.Пирматова.

ИБ1063

Теришга 24.11.2006 йилда берилди. Босишга 27.11.2006 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Шартли босма табағи 1,26. Шартли бўёқ-оттиск 1,32. Нашр босма табағи 0,83. 69-2006-шартнома. №115 буюртма. 100 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасининг «Матбаа цехи»да чоп этилди.

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.